

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Мусабеков Улуғбек Жўрабекович -
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий тадқиқот маркази мустақил тадқиқотчиси**

Аннотация. Ушбу мақолада фаол инвестицион сиёсатни шакллантириш масалалари кўриб чиқилган ҳамда унинг инвестицион муҳит жозибadorлиги билан боғлиқлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: Инвестиция, миллий иқтисодиёт, модернизация, конкурентоспособность, асосий капитал, чэт эл инвестициялари, инвестиция сиёсати, инвестиция муҳити.

Аннотация. В данной статье рассмотрены вопросы формирования активной инвестиционной политики, а также раскрыта его взаимосвязь с созданием благоприятного инвестиционного климата.

Ключевые слова: Инвестиции, национальная экономика, модернизация, конкурентоспособность, основной капитал, иностранные инвестиции, инвестиционная политика, инвестиционный климат.

Annotation. This article discusses the formation of an active investment policy, as well as discloses its relationship with the creation of a favorable investment climate.

Keywords: Investments, national economy, modernization, competitiveness, fixed capital, foreign investment, investment policy, investment climate.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишининг энг муҳим омилларидан бири-бу, миллий иқтисодиётни турли соҳалари ва тармоқларига инвестиция киритишдир. Инвестиция киритиш муаммоларини тадқиқ қилиш доимо иқтисодиёт фанининг диққат марказида бўлган, чунки инвестициялар мамлакатнинг умумий иқтисодий ўсиш жараёнини белгилаган ҳолда, корхоналар фаолиятининг энг туб асосларини қамраб олган[8]. Республикада мавжуд амалдаги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда янги, замонавий, юқори технологик ишлаб чиқаришни яратишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилиши ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилиши таъкидланган [3].

Бу сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири, бозор субъектлари ўртасида, шунингдек, ушбу субъектлар ҳамда давлат ўртасидаги хўжалик муносабатларининг доимий ўзгарувчи ва тобора бозор мазмунига эга бўлаётган таркибига мувофиқ воситаларини ўз вақтида мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши мумкин. Ўзбекистон молия бозорининг шаклланиши ва ривожланиши инвестиция бозорининг иштирокчиларига хизмат кўрса-

тиш учун босқичма-босқич бозор инфратузилмасининг шаклланиши билан кузатилмоқда. Бунда бозор иштирокчиларига хизмат кўрсатишнинг институционал асосларини яратилиши тижорат асосида молия-кредит, суғурта операциялари воситасида бозор муносабатларини шакллантириш имкониятини берди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятини бошқариш ва ривожлантириш долзарб масалалардан бирига айланди. Иқтисодиётни техник-иқтисодий модернизациялаш саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ва янгиларини яратиш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Инвестициялашнинг аниқ йўналишларини белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган[6,7].

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикасини ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат вази-фалари бажарилишини таъминлайдиган инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестициялар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги турли инвестиция объектларига қўйилмалар учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлаш мақ-

садида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қафолатларини тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида махсус иқтисодий зоналарни ва кичик саноат зоналарини барпо этиш;


асосий фондларни тезлаштирилган амортизация қилиш ҳуқуқини бериш;

техник жиҳатдан тартибга солиш нормалари, қоидалари ва талабларини белгилаш;

рақобатни қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш;

ер участкаларига ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш шартларини белгилаш [1].

Мамлакатдаги эришилган макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ва институционал ислохотларнинг чуқурлашиши, инвестициявий иқлимнинг яхшиланиши 2010 йилга нисбатан миллий иқтисодиётда инвестиция фаолиятининг анча фаоллашишига ва асосий капиталга киритилган қўйилмаларни ҳажмининг ўсишига сабаб бўлди (1-расм).



1-расм. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ўсиш суръати (фоизда) [4]

Таҳлил қилинаётган давр ичида ҳамма молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялаш нисбати анча ўзгарди. 2010–2018 йиллар мобайнида миллий иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуриш бўйича амалга оширилган мақсадли сиёсат натижасида электр энергетика, газ ва буғ билан таъминлаш соҳасида асосий капиталга киритилган инвестициялар 17,1 мартда, ишлаб чиқарадиган саноат 11,0 мартда, тоғ кон саноати 10,6 мартда, қишлоқ хўжалиги мартда ошди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 189,9 трлн. сўм, (доллар эквивалентида 21,5 млрд. АҚШ долл.) ёки 2018 йилга нисбатан 133,9 % асосий капитал-

га инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишда тўғридан - тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг юқори ўсиш суръатлари асосий омил бўлди. Улар 2018 йилга нисбатан 3,9 мартага ўсиб, жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг – 31,0 %ини, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 19,6 % (ёки 3,6 марта ўсишни) ташкил этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат қафолати остида хорижий кредитлар – 14,7 % (ёки 142,4 %), бюджет маблағлари – 7,6 % (ёки 117,7 %) ташкил этди. Таққослаш учун - 2019 йил январь-декабрида Ялпи ички маҳсулотга нисбатан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар – 37,1 %ни таш-

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

кил этиб, 2018 йилдаги кўрсаткичига нисбатан 6,5 % пунктга кўпайди. Мазкур кўрсаткич 2017 йилда 23,9 % ни ҳамда 2018 йилда – 30,6 % ни ташкил этган [4].

Фаол инвестиция сиёсати саноатни тузилмавий қайта қуришнинг энг самарали воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон инвестиция стратегиясида илғор технология билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларимиз чуқур қайта ишлаб чиқилишини, мамлакат экспорт салоҳияти ортишини, янги иш жой-

лари яратилишини таъминлай-диган янги юқори технологияга эга ишлаб чиқаришларни яратишга қаратилган инвестиция лойиҳалари афзал деб топилади.

Миллий иқтисодийetni модернизациялаш ва рақобатбардош-лигини оширишнинг устувор йўналишларига қаратилган саноат тармоқларида инвестиция жараёнини ривожлантириш, бозор ислоҳотларининг устувор йўналишларидан биридир (1-жадвал).

1-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар (яқунга нисбатан фоизда) [4]

Кўрсаткичлар	2010	2012	2014	2016	2018	Ўзгаришлар	
						2018к 2010й (+),(-)	2018к 2014й (+),(-)
Жами	100	100	100	100	100	-	-
Шу жумладан							
Кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	10,0	11,2	10,2	9,4	6,4	-3,6	-3,8
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	9,2	13,1	18,5	14,0	12,9	+3,7	-5,6
Ишлаб чиқарадиган саноат	14,2	15,2	12,7	17,6	20,7	+6,5	+8,0
Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5,4	4,0	4,5	5,3	12,4	+7,0	+1,7
Сув билан таъминлаш, канализация тизими чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	0,7	0,8	1,2	1,4	2,1	+1,4	+0,9
Қурилиш	1,3	1,1	2,1	1,8	2,1	+0,8	-
Ахборот ва алоқа	6,5	2,9	2,2	2,2	1,3	-5,2	-0,9
Бошқа фаолият турлари	52,8	51,7	50,8	48,3	42,1	-10,7	+8,7

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатларига эришилишига салмоқли ҳисса қўшган қуйидаги йирик инвестиция лойиҳаларини келтириш мумкин:

- тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси бўйича ўзлаштирилган ҳажм;

- Навоий иссиқлик электр станциясида 450 МВт қувватли иккинчи буғ-газ қурилмасини кенгайтириш лойиҳаси бўйича ўзлаштирилган ҳажм;

- Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида қуввати 450 МВт дан бўлган икки буғ-газ қурилмасидан таркиб топган жами қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси қурилиши лойиҳаси бўйича ўзлаштирилган ҳажм;

- Қорақалпоғистон Республикасида Тахиатош иссиқлик электр станциясида 230-280 МВт қувватли иккита буғ-газ қурилмаси қурилиши лойиҳаси бўйича ўзлаштирилган ҳажм;

-Бухоро вилоятида Хаузак ва Шоди конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш

лойиҳаси бўйича ўзлаштирилган ҳажм;

-Қашқадарё вилоятида Хисор инвестиция блоки ва Устюрт худудида маҳсулотни тақсимлаш бўйича битим асосида конлар билан ишлаш ва углеводород қазиб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича ўзлаштирилган ҳажм;

-«Навоийазот» АЖ да аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришини ташкил этиш лойиҳаси бўйича ўзлаштирилган ҳажм [4].

2019 йилда жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг асосий қисми, яъни 52,5 % республиканинг тўртта худудида, жумладан, Тошкент шаҳрида – 21,8 %, Қашқадарё вилоятида – 12,4 %, Навоий вилоятида – 9,4 % ва Тошкент вилоятида – 8,9 % ўзлаштирилган [4].

Худудларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Жиззах вилоятида 195,2%, (асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7919,3 млрд. сўм), Сирдарё вилоятида - 194,3% (6129,2 млрд. сўм), Хоразм вилоятида - 167,1 % (5566,8 млрд. сўм), Сурхондарё вилоятида - 148,8 % (12232,4 млрд. сўм), Навоий вилоятида - 145,7 % (17775,3 млрд. сўм), Тошкент шаҳрида - 142,5 %

(41497,9 млрд. сўм), Андижон вилоятида - 142,3 % (8183,7 млрд. сўм) ва Фарғона вилоятида - 140,1 % (9164,2 млрд. сўм).

Республикада жозибador инвестиция муҳитини шакллантиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиш мумкин:


- ✓ хорижий инвестицияларга, биринчи навбатда, замонавий техника ва технологияларни жорий этиш манбаси сифатида қаралиши, шу билан биргаликда ички инвестициялардан ҳам самрали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

- ✓ инвестиция муҳитини шакллантиришнинг асосий йўналиши сифатида макро-

иқтисодий барқарорликни таъминлаш, институционал шарт-шароитларни яратиш ва унда дунёни етакчи давлатларини тажрибасидан кенг фойдаланиш;

- ✓ инвестиция муҳитини шакллантиришда хусусий сектор имкониятларидан самарали фойдаланиш ва уни кафолатланган ҳимоясини таъминлаш;

- ✓ инвестиция жараёнлари асосий иштирокчилари бўлган субъектлар учун бир хил инвестиция иқлимнинг шакллантирилиши миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишни ҳам назарда тутиш (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича инвестиция фаолиятини асосий кўрсаткичлари [4]

2019 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Навоий вилоятида – 17985,7 минг сўм (ёки 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 143,2 %), Тошкент шаҳрида – 16332,0 минг сўм (ёки 139,6 %), Сирдарё вилоятида – 7312,4 минг сўм (ёки 190,7 %), Қашқадарё вилоятида – 7246,1 минг сўм (ёки 123,6 %), Жиззах вилоятида – 5792,3 минг сўм (ёки 191,1 %), Бухоро вилоятида – 5167,3 минг сўм (ёки 89,9 %), Тошкент вилоятида – 5799,9 минг сўм (ёки 130,4 %) ва Сурхондарё вилоятида – 4705,5 минг сўм (ёки 145,6 %) қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш сари тутган изчил йўли бевосита ва портфел инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш жараённи фаоллаштириш учун реал шарт-шароит яратмоқда [5].

Бундан ташқари, молиялаштириш манбалари бўйича сармоя қўйилмалари умумий таркибида муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда,

яъни давлатнинг асосий инвестор ролидан узоқлашиб, хусусий инвестицияларнинг ошишига кенг имкониятлар юзага келмоқда. Давлат улуши 2010 йилда 5,2 %дан 2018 йил умумий инвестициялар ҳажмининг 4,6 %га тенглашди (3-жадвал).

Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 50686,8 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 26,6 % ва ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3,1 % пунктга кам) ёки 2018 йилга нисбатан 120,0 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 139237,5 млрд. сўм ёки 139,8 % (73,4 %) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.

Саноат тармоқлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш бўйича асосий манбаси корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобланади. Саноатда инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбаи корхонанинг хусусий маблағлари ҳисобланади, бунинг энг муҳим қисмини амортизация чегирмалари ташкил қилади.

Молияштириш манбалари буича асосий капиталга киритилган инвестициялар (яқунга нисбатан фоизда) [4]

№		2010	2012	2014	2016	2018	Ўзгаришлар	
1	Асосий капиталга киритилган инвестициялар жами	100	100	100	100	100	2018к 2010г (+),(-)	2018к 2014г (+),(-)
Шу жумладан молияштириш манбалари бўйича								
1.1.	Республика бюджети	5,2	4,7	4,2	4,3	4,6	-0,6	
1.2.	Корхона ва аҳоли	52,5	56,0	57,7	54,4	42,0	10,5	
1.3.	Банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	9,0	10,3	10,4	10,8	17,8	8,8	
1.4.	Чэт эл инвестициялари ва кредитлари	26,4	19,0	18,6	20,7	24,3	-2,1	

Корхонада инвестициявий фаолиятнинг белгиланган мақсадини амалга ошириш қуйидаги энг муҳим вазифаларнинг ҳал этилишига қаратилиши лозим:

✓ инвестиция фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдани максималлаштирилишини таъминлаш;

✓ инвестиция рискларини минималлаштириш;

✓ инвестиция фаолияти жараёнида саноат корхонасининг молиявий барқарорлиги ва тўлаш қобилиятига эгаллигини таъминлаш;

✓ инвестициявий дастурлар ва самарали инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш йўллари қидириб топиш.

Инвестиция фаолиятининг таҳлили корхоналарнинг нафақат инвестицион жозибдорлиги муаммоларини аниқлаш, балки жалб этилган инвестицияларнинг самарадорлигини ҳам аниқлашга ва унинг асосида улардан келгусида амалий фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради, бу эса ўз навбатида инвестиция жараёнини ривожлантириш ва уни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини яратиш учун кенг имкониятлар яратади.

Демак, республикамиздаги амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлардан бири жозибадор инвестиция

сиёсатини ишлаб чиқишдир. Инвестиция фаолияти учун жозибадор шароитларни яратиш давлат фаолиятининг бир-бири билан ҳамма бўлиқ бўлган қуйидаги йўналишларини ўз ичига олади:

✓ мамлакат иқтисодиётига сармоя киритиш таваккалчилигини пасайтиришга имкон берадиган қулай инвестиция иқлимини шакллантириш;

✓ миллий ва хорижий инвесторлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

✓ тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш соҳасидаги институтлар фаолиятини яхшилаш;

✓ ижобий инвестиция имиджини яратиш.

Шундай қилиб, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва бунинг асосида саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодиётни барқарорлигини таъминлашни асосий шартларидан бири бўлиб, инвестиция фаолиятини ривожлантириш, иқтисодиётнинг реал секторига киритиладиган ички ва хорижий инвестиция ресурсларидан фойдаланган ҳолда сармоя қўйилмалари кўламларини салмоқли даражада кенгайтириш ҳисобланади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси. 24 декабр 2020 йил
4. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2010-2019 йиллар маълумотлари
5. Зияев Т.М., Қобилов А.У., Ёқуб Д.Т., Зуфарова М. Қ. Қулай инвестицион муҳит ва фаол инвестицион сиёсат барқарор иқтисодий ўсиш омили. Т.: Иқтисод ва молия, 2019, №10 (130), 52 б.
6. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия. 2003 й.
7. Хайдаров Н. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2005й
8. Шарп У., Бейли Дж. Инвестиции: пер. с англ. –М.:ИНФРА, 2000.